



2-бет

ҲАЗРАТИ ИНСОН
ХОТИРАСИ

4-бет

У ЎЗБЕКНИНГ МАШҲУР
ДРАМАТУРГИ ЭДИ




6-бет

РАШК —
ИШОНЧСИЗЛИК
БЕЛГИСИМИ?

7-бет

ДУШАНБА



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 240 (10.043)

2003 йил 15 ДЕКАБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОЙИШИ

«МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ» ДАСТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда 2004 йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши «Обод маҳалла йили» дастурида кўзда тутилган мақсадларнинг мантаний давоми эканини инобатга олган ҳолда, бошланган эзгу ишларни муваффақиятли давом эттириш, хусусан, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш борасида барча давлат ва жамоат ташкилотларининг куч ва ҳаракатларини мувофиқлаштириш мақсадида:

1. «Меҳр ва мурувват йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси таркиби тасдиқлансин.
2. «Меҳр ва мурувват йили»га тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий ҳамда ташкилий чора-тадбирларнинг комплекс дастурини тайёрлаш Республика комиссиясининг асосий вазифаси ҳисоблансин.
- Мазкур дастур қуйидаги устувор йўналиш ва вазифаларни ҳал этишга қаратилиши лозим:
 - давлат идоралари ва жамоат тузилмаларининг, хусусий корхона ва ташкилотлар, деҳқон ва фермер хўжалиқлари, тадбиркор ва ишбилармонларнинг маблағ ва имкониятларини кам таъминланган, кўп болали ҳамда ёш оилалари, ногирон ва етим-есирларни, бева-бечораларни, боқувчиларидан жудо бўлган, яқка-ёғиз яшаётган одамлар ва кексаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
 - ҳар бир инсон учун қанот ва таянч бўладиган оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, инсон ҳаёти ва манфаатларини ҳимоялаш, мавжуд ижтимоий муаммолар, авваламбор, ишсизлик масаласини ҳал этиш бўйича аниқ ва асосланган тақлифлар ишлаб чиқиш;
 - фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллаларда маънавий-маърифий, маданий ва спорт тадбирларини ўтказиш, хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг жамият ҳаётидаги ролини ошириш, ёш авлод тарбияси, кам таъминланган оилаларни иқтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ-тартибот, аҳолига савдо ва коммунал-مائий хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалардаги фаолиятини янада кучайтириш юзасидан аниқ режаларни белгилаш;
 - юрдошларимиз қалбида эзгу туйғуларни уйғотиш, фарзандларимизда ноёб инсоний фазилатларни камол топтириш, бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш каби ибратли хусусиятларни миллатимиз ҳаёт тарзининг узвий ва ажралмас бир қисмига айлантириш, жамоатчилигимиз, бутун халқимизни савобли ишларга баҳоли қудрат ҳисса қўшишга сафарбар этиш учун зарур бўлган чора-тадбирларни белгилаш;
 - одамларимизнинг онги, тафаккури, маънавий дунёси замонга мос равишда ўзгариб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, миллий уйғониш руҳи, миллий гоанинг жамиятимиз ҳаётига чуқурроқ кириб боришини таъминлашга қаратилган долзарб вазифаларни аниқлаш;
 - меҳр ва мурувват тушунчаларининг асоси бўлмиш жамиятимиздаги аҳиллик, фуқаролараро тотувлик, турли миллат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат қиладиган тадбирлар тизимини тайёрлаш;
 - жойлардаги маънавий-руҳий муҳитни янада соғломлаштириш, миллий қадриятларимизга асосланган ибратли аъёнларимиз, урф-одатларимизни ва ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини ўрганиш ва тарғиб-таъшиқ этишга йўналтирилган илмий-оммабоқ, публицистик асарлар, ҳужжатли фильмлар яратиш, турли кўргазмаларни ташкил этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш.
3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига (М.Нурмурад) ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига (О.Обидов) амалдаги пенсия ва нафақа пулларидан ташқари, республиканинг кам таъминланган фуқароларига қўшимча ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган маблағни излаб топиш ва унинг манбаларини белгилаш юклатилсин.
4. Вазирликлар, Давлат қўмиталари ва бошқа идоралар, бирлашма ва ташкилотлар,

«Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун», «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармалари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика байналмилал маркази ва бошқа ижтимоий жамғармалар раҳбарларига юқорида зикр этилган мақсадларни амалга ошириш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқиш тавсия этилсин.

5. Республика комиссияси Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий комплекси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда шаҳар ва туманлар ҳокимликлари иштирокида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини янада кенгайтириш бўйича тақлифларни 2004 йилнинг биринчи чорагида ишлаб чиқсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёевга фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мустақиллигини кучайтириш мақсадида амалдаги қонун талаблари ва ўзини ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари якунларидан келиб чиққан ҳолда, бир ой муддатда «Фуқаролар йиғинлари тўғрисида»ги намунавий низомни тасдиқлаш топширилсин.

7. Ҳар бир вилоятда «Меҳр ва мурувват йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича вилоят ҳокими раҳбарлигида комиссиялар тузилсин ва улар 15 кун муддат ичида дастурга оид ўз тақлиф ва тавсияларини Республика комиссиясига тақдим этсин.

8. Республика комиссияси «Меҳр ва мурувват йили»нинг комплекс дастурини бир ой муддатда ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 12 декабрь

ХУҲСАДОСИ
Барча маъбаладан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Аввал хабар берилганидек, Тошкентда 12 декабрь кўни иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIII сессияси ўз ишини якунлади. Сессияда муҳим қонунлар қабул қилинди, Олий Мажлис қатор халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва Япония Халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) ўртасида «Турон-Текстил» қўшма корхонаси лойиҳаси бўйича кредит битими имзоланди.

● Тошкентда «Йил ўқитувчиси-2003» республика танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

● Тошкент вилоятида салқин ичимликлар ишлаб чиқаришга иктисодлашган янги корхона ташкил этилди. Бу ерда Италия ва Германиянинг замонавий асбоб-анжомлари ҳисобига йилга 4 миллион шиша ичимлик ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

● Самарқанд тиббий инсти-тутининг биринчи клиникасида Россия, Япония, Қозғистон ва бошқа мамлакатлардан таширф буюрган нейроржароҳ олимлар иштирокида эндоскопик жарроҳлик масалаларига бағишланган халқаро анжуман уюштирилди.

● Тошкентдаги «Шератон» меҳмонхонасида «Экспан» халқаро жамғармаси, «Тошшаҳарйўловчиган» Давлат уюшмаси ва Тошкент автомобиль ва йўллар институти ҳамкорлигида «Транспорт, экология ва саломатлик» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Жаҳонда

● Японияда АСЕАН давлатларининг саммити бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари Шарқий Осиё Иттифоқининг ташкил этилиши ўз аксини топган якуний ҳужжат — «Токио декларацияси»ни имзолашди.

● АҚШдаги клиникалардан бирида Озарбайжоннинг собиқ Президенти Ҳайдар Алиев юрак етимишмачилиги хасталигидан вафот этди. У бугун Боку шаҳрида дафн этилди.

● 8 ой давом этган қидирув ишларидан сўнг Ироқнинг собиқ президенти Саддам Хусайн Тикрит шаҳри атрофидаги қишлоқларнинг бирида қўлга олинди. ДНК таҳлиллари ушланган шахснинг чиндан ҳам Саддам Хусайн эканлигини тасдиқлади.

● Афғонистон пойтахти Кобул шаҳрида Лоя-Жираг йиғилиши бўлиб ўтди. Депутатлар мамлакат конституцияси матнини муҳокама қилдилар.

● Аввал Германияни иккига бўлиб турган улкан девор қолдиқлари кимовчи савдосига қўйилмоқда. Унга Германиянинг ўзидан харидор чиқди ва ушбу тарихий ёдгорлик учун 280 минг доллар санаб берди.

ПОЙТАХТНИНГ
Дир. кўни
Янгиликлар, оқсоқолар

ҚИСКАЧА

● **ТОШКЕНТ** Давлат аграр университетиде мазкур илм маскани ўқитувчилари ҳамда Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиклари иштирокида уюштирилган анжуман Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланди.

● **«ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛ»** меҳмонхонасида Австрия ҳамда Ўзбекистон тадбиркорлари иштирокида ўтказилган бизнес-семинарда кичик ва ўрта бизнесни ривожланти-

ришда икки томонлама ҳамкорлиқни кучайтириш масалалари муҳокама этилди.

● **«ЭКОСАН»** жамғармаси ташаббуси билан шаҳримиздаги 22, 23-Меҳрибонлик уйларида хайрия тадбири уюштирилди.

● **ЯККАСАРОЙ** туман ҳокимлигида «Репродуктив саломатлиқни муҳофаза қилиш» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Тумандаги лицей, коллеж, олий ўқув юрлари талабалари иштирокида ўтказилган мазкур тадбирда никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича ҳам савол-жавоблар уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
муҳбирларимиз хабарларидан.


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАР БЮРОСИ ИЖРО КОМИССИЯСИГА САЙЛАНИШИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги элчихона-сидан хушхабар келди. Парижда Халқаро Кўргазмалар Бюроси Бош Ассамблеясининг 134-сессиясида кўнчилиқ овоз билан Ўзбекистон ХКБ Ижроия комиссиясига аъзо этиб сайланди.

Ушбу ташкилот 91 давлатни қамраб олиб 12 аъзо давлат таркибидаги Ижроия комиссияси унинг олий органи сифатида дунё узра Бутунжаҳон ва мавзуй кўргазмаларни ўтказиш масалаларини ҳал этади.

Франция, Бельгия, Италия, Швейцария, Канада ва Россия каби дунёнинг етакчи мамлакатлари билан бир қаторда Марказий Осиё давлатлари орасидан биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикасининг ушбу Ижроия комиссиясига сайланиши давлатимизнинг бутунжаҳон миқёсда нуфузи тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

«Жаҳон» АА



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Навбатдаги Нобель мукофотини тақдим этиш маросими Швеция ва Норвегияда бўлиб ўтади. Маросимда қатнашиш учун бутун дунёдан 2000 га яқин иштирокчилар таклиф этилган. Улар орасида ушбу нуфузли мукофотнинг ўтган йилги соҳиблари ҳам ўрин олган. Янги номзодлар рўйхатида россиялик физик олимлар Алексей Абрикосов ва Виталий Гинзбурглар ҳам бор.

● Япония ўзининг инсонпарварлик ёрдамини таъминловчи кучларини Ироққа юборишга қарор қилди. 600 га яқин япон ҳарбий хизматчилари Ироқнинг жанубига жойлаштирилган бўлди. Улар ушбу ҳудудларда сув ва тиббий хизмат таъминотида ўз ёрдамларини амалга оширишади.

● Москва марказида юз берган теракт оқибатида ҳалок бўлгандан сони 6 кишига етди. Россия давлат Думаси ёнида жойлашган «Националь» меҳмонхонаси олдида содир этилган портлаш мамлакатдаги демократия, бозор иқтисодиёти сиёсати ва тинчлигига қарши уюштирилган, дея таъкидлади мамлакат Президенти Владимир Путин. Ҳукукни ҳимоя қилиш органларининг берган маълумотига кўра, портлашнинг шимолий осетилик икки камикадзё аёллар содир этган.

● АҚШнинг шимоли-шарқда юз берган қучли қор бўрони натижасида 11 киши ҳаётдан кўз юмди. Sky News берган хабарга кўра, Виржиния штатидан Вермонтга бўлган ҳудудда қучли қор бўрони давом этмоқда. Ҳозир юзлаб мактаблар ёпилган, аэропортларда парвозлар тўхтатилган. Об-ҳавони кузатиш маркази мутахассислари таъкидлашча, қиш мавсумининг бошланишида бундай қор бўрони юз бериши жуда камдан-кам учрайдиган ҳодисадир.

● Англиянинг турбовинтли ДС лайнери бортида 78 йўловчиси билан осмонга парвоз қилди-ю, бироз ўтмасдан тезлик билан паслаб, қўнишга мажбур бўлди. Маълум бўлишча, самолёт ҳавода чумчуқлар тўдасига дуч келиб, тўртта турбовинтли двигателдан учтаси қушларга тўлибди. Шундан кейин орнитолог-мутахассисларнинг маслаҳатига кўра, қушларни чўчиштириш учун отиб туриладиган бўлди.

● Sony компанияси яратган Qrio исмли робот юришни, қўл силташни, рақсга тушишни, бармоғини қимирлатиш ва кепток телеини билди. Роботнинг кўзлари орқасига ўрнатилган видео камера ўнтагача кишини фарқлай олади. Шунингдек, у хонанинг тузилишини эслаб қолади, у ерда эркин ҳаракатланади ва японча гаплашади. Ҳозирча унинг сотувга чиқарилиши режалаштирилмаган.

ДЕМОКРАТИЯ МАҚТАБИ

ЯКДИЛЛИК БИЛАН САЙЛАНДИ

Айни кунларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайловлар низолатда уюшқоқлик ва ўта қизгин, баҳс-мунозарага бой тарзда ўтган ҳолда ўз якунига етмоқда. Уларни кузатиб шундай хулосага келиш мумкин: шу юртда яшаб, меҳнат қилаётган ҳар бир фуқаро демократик жамият қуриш йўлида олиб борилаётган ўзгариш ва янгиллик, изланишларга бефарқ эмас. Маҳалла ҳам том маънода «ота-она» мавзёга кўтарилиб бормоқда.

Куни кеча Мирзо Улуғбек туманидаги «Оқибат» маҳалласида ҳам ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 90 нафар сайланган вакилдан 76 нафари, туман ҳокимлиги ва бошқа маҳалла фаолларидан иборат 24 нафар таклиф қилинган меҳмонлар иштирок этдилар. Мажлисга маҳалла фаоли М.Тешабоев раислик қилди ва кун тартибига етти масала қўйилганини айтиб бирма-бир уларни ўқиб эшиттирди.

Биринчи бўлиб маҳалла оқсоқоли Абдуҳамид Маҳсумовнинг икки ярим йил мобайнида маҳаллада олиб борилган юмушлар ҳақидаги ҳисоботи эшитилди.

— Маҳалламиз ҳудудда 426-боғча жойлашган, — деди жумладан ўз ҳисоботида А.Маҳсумов. — Ушбу тарбия масканида 370 нафар жажжи кичкинтойлар таълим-тарбия оладилар. Биз боғча маъмурияти билан ҳамкорликда иш олиб бориб, болалар майдончаларининг шинам, юрадиган йўлларининг текис бўлиши учун ёрдам бериб келаямиз. Бинолар таъмирланиб, йўллар асфальт қилиб берилди. Республика Давлат болалар кутубхонаси билан ўзаро шартнома тузганмиз. Маънавий, маърифий ва тарбиявий ишларни биргаликда, режа асосида амалга оширямиз.

«Маҳалламизнинг машҳур кишилари» мавзусида учрашувлар ўтказдик. Кутубхонамизда оилавий ўқиш шўъбаси ташкил қилинган бўлиб, унинг 165 аъзоси бор. Улар учун китоблар, газета ва журналлар, китобхонлар учун адабиётлар шарҳи ва янги адабиётлар кўргазмаси ташкил этилган.

Маҳалладошлар номидан овоз бериш ваколатига эга бўлган 73 нафар вакиллар, қўшни маҳаллалардан таклиф этилган меҳмонлар ва туман ҳокимлиги ходимлари иштирокида ўтган талбир аввалида 35-мактабнинг «Мўъжизалар олами» болалар спорт клуби аъзоларининг Ўзбекистон мадҳиясини ижро этиши йиғилганлар қалбига ажиб бир илиқлик бахш этди.

Йиғилганлар соғлиғи ёмонлашгани туфайли ўз вазифасини тарк этган аввалги оқсоқол Ҳикмат Муҳаммаджонов ва кейинги уч ой давомида маҳалла фуқаролар йиғинини бошқарган Эркин Каримовларнинг ўтган икки ярим йил ичида амалга оширган ишлари юзасидан ҳисоботларини тинглашди.

Дарҳақиқат, ўтган даврда маҳаллада турли соҳалар бўйича ўзига хос ишлар амалга оширилган. Айниқса, ободонлаштириш ишларига муҳим

ёшларимизнинг бўш вақтини тўғри ташкил қилиш, уларнинг спорт билан шуғулланишлари учун шарт-шароит яратиш йўлида ҳам кўп сайёҳаракатлар амалга оширилди. Маҳалладаги эски



чойхона ўрнида таэквандо тўғрагининг йўлга қўйилишига эришдик. Ҳозир бу ерда теннис ўйнаш учун ҳам шароит яратилди, спорт майдончасини ҳам таъмирлаб ёшларимиз ихтиёрига топширдик.

Маҳалладаги кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга моддий ва маънавий томондан ёрдам бериб келаямиз. Ноқобил оилалар, жиноят содир этган вояга етмаганлар, ишламай юрган ота-оналар маҳалламизда деярли йўқ. Бу борада профилактика инспектори Б.Атақулов, маҳалла сардори Т.Рўзиевларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдим. Шу кунгача 18 ёшгача болалар бор оилаларга 483395 сўм, 2 ёшгача ёш болалари бор оилаларга 1.274.970 сўм, кам таъминланган, қийналиб қолган, боқувчиси йўқ оилаларга 372900 сўмлик ёрдам кўрсатилди.

этибор қаратилган. Шу енгиллик яратиш мақсади-ҳудуддаги 35-мактаб, Мир-да махсус қўлланма тай-

ОЛДИНДА РЕЖАЛАР БИСЁР

Мирзо Улуғбек туманидаги 17-сон «Азамат» маҳалласи шахримиздаги нисбатан ёш бўлса-да, йирик ва обод маҳаллалардан бири ҳисобланади. Ушбу маҳаллада оқсоқол ва маслаҳатчиларнинг ҳисобот-сайлов йиғилиши ҳам ўзгача руҳда, ошкора ва кўтарилиш тарзда ўтди.

зо Улуғбек номидаги саноат касб-ҳунар коллежи билан ҳамкорликда кўп марта озодагарчилик, орасталик ва ободонлаштириш ҳашарлари уюштирилган. Кўп қаватли уйларнинг сув тошувчи жойлари тўғриланди. Автобуслар шўхбека ти атрофида ариқлар тозаланди. Троллейбус ва автобус ҳайдовчилари учун ўзига хос қўлайликлар яратилди. Кўп уйларга янги уй бошиқлари қўйилди. Тўй-ҳашамларни ўтказишда

ёрланди. Кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва фахрийларга мунтазам моддий ёрдам кўрсатилди. Қорасувдаги меҳрибонлик уйига хайрия кўмаги берилди. Спорт, маданий-маърифий тadbирлар ўтказилувчи ўсмирлар клуби ташкил этилди.

Сайловда эса маҳалладошларнинг деярли бир овоздан қўллаб-қувватлашлари орқали Эркин Каримов кейинги муддатга фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди.

Обод маҳалла йилида Л.Шастри, Пушкин, С.Азимов, Ўзбекистон овози, М.Мусахонов ва Яхё Фуломов кўчаларига 3000 дан ортиқ манзарали гуллар, ҳудудимизга 175 та мевали дарахтлар экилди. Атроф чиқиндилардан тозаланиб, ораста, саранжом-саришта ҳолга келтирилди...

Шундан сўнг тафтиш комиссиясининг раиси У.Агзамовнинг ҳисоботи эшитилди.

Ҳисобот юзасидан сўзга чиққан маҳалла фаоллари Б.Голинская, И.Дедова, М.Мирсаидов, Назруллаев, М.Тешабоевлар яхши ва ибратли ишлар амалга оширилгани ҳақида тўхталиб, шу билан бирга камчилик ва нуқсонлар ҳам борлигига эътиборни қаратишди. Жумладан, баъзи бир комиссиялар ўз ишини етарли даражада олиб бормагани, хотин-қизлар комиссияси, маҳалла посбонлари ва унинг сардорининг ишлари яхши ташкил этилмагани, ёшлар мураббийсининг умуман йўқлиги кабиларни мисол қилиб келтирдилар.

Шундан сўнг йиғилиш қатнашчилари маҳалла фуқаролар йиғини фаолиятини замон талаби даражасига кўтариш учун қатор таклиф ва мулоҳазаларни киритдилар.

Сўнг вакилларнинг яқдиллик билан овоз беришлари орқали Одилов Мусаев маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди. 15 кишилик маҳалла фаолларини ўзида жамлаган оқсоқолнинг маслаҳатчилари, 3 кишидан иборат тафтиш комиссияси аъзолари ҳам очик овоз бериш йўли билан маҳалла ахли томонидан сайланди. Маҳалла котиби лавозимига М.Муслимова лойиқ деб топилди.

Янги оқсоқол келгусида фуқаролар йиғини ишини жонлантиришга ҳаракат қилаётганини айтиб ўз иш режалари ҳақида маҳалладошларига қисқача тушунтириш берди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Оқсоқол маслаҳатчиларининг кўпчилигини эндиликда ёш, серғайрат кишилар ташкил этади.

Оқсоқол қўллаб-қувватлаганликлари учун маҳалладошларига миннатдорчилик билдирар экан, келгусида маҳаллада спорт-соғломлаштириш майдонини бунёд этиш, наввойхона, тикиувчилик цехи очиш, ёшлар тарбиясига биринчи навбатда этибор қаратиш, етакчи спортчи, олим, шоир, ўқувчилар билан тез-тез учрашувлар ўтказиб турилаётгани билдирди.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши сўнггида «Азамат» маҳалласи ташкил этилганлигининг ўн йиллиги нишонланди, 35-мактаб ўқувчиларининг мусиқа чикишларидан сўнг кам таъминланган оилалар, фахрийларга маҳалла фуқаролар йиғини томонидан ажратилган совғалар топширилди.

Даврон ИСМАТОВ

Маълум

БАКАЛАВРЛАР
ИЗЛАНИШЛАРИ —
АМАЛИЁТДА

«Тошкенттўқимачи» акционерлик жамиятининг 2-ип-йиғирув фабрикаси янги замонавий қурилмага эга бўлди. «Кроссел» русумли бу техника пахта толасини тозалаш сифатини аниқлашда муҳим восита вазифасини ўтайди.

Уни ўрнатиш жараёни Тошкент тўқимачили ва енгил саноат институти йиғириш технологияси кафедрасининг бир гуруҳ бакалаврлари томонидан амалга оширилди.

— Янги техника ва технологияни яратиш, тўқимачилик маҳсулотларининг сифатини аниқлаш, уларни сертифицициялаш мавзуларига бағишланган тадқиқотлар устида иш олиб боришда олий ўқув юртимиз изланувчан талабалари ҳам фаоллик кўрсатилмоқда, — дейди институт илмий тадқиқотлар бўлими бошлиғи, доцент Умида Мақсудова. — «Кроссел» қурилмасини ўрнатишда ҳам иқтидорли бакалаврларнинг илмий тажрибаси кўл келди.

«Гилам маҳсулотлари учун арқоқ ипи ишлаб чиқариш», «Электрон ўтказувчанлик хусусиятига эга бўлган тўқимачилик маҳсулотлари» каби мавзуларда юзага келган илмий ишлар ҳам бакалаврларнинг ютуғи бўлди.

Бу сингари изланишлар олий ўқув юрти негизда «Пахта тозалаш, тўқимачилик ва енгил саноатнинг ривожланиш истисқоллари» деган мавзуда ўтказилган республика илмий-амалий конференциясида маъруза сифатида тингланб, юқори баҳоланди.

ИЛМИЙ КЕНГАШ
СТИПЕНДИАТЛАРИ

Иқтидорли талаба-ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институтида қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Номдор стипендияларнинг таъсис этилиши ҳам нур устига аъло нур бўлди.

Олий ўқув юрти илмий кенгаши стипендиатлари ҳам аъло ўқишлари, юксак намунали хулқи-интизоми, жамоат ишларида фаол иштироки билан бирга барчага ибрат бўлаётган талабалар вакиллари.

Бундай фахрли стипендия совриндорларининг навбатдаги гуруҳи эълон қилинди. Бу сафар институтнинг даволаш, тиббий-педагогика, стоматология факультетларидан энг яхши толиби илмлар илмий кенгаш стипендиаларини қўлга киритдилар.

Шунингдек, олий маълумотли ҳамшира бўлимидан икки нафар иқтидорли талаба ушбу номдор стипендия соҳиби бўлди.

Акбар АЛИЕВ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг 60 йиллиги олдидан

ЙИРИК ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТЛАР МАРКАЗИ

Математика бўйича илмий тадқиқотлар марказларидан бири сифатида дунёга танилган Математика институти 1943 йил ноябрда ташкил топган. 1954 йилдан институт Тошкент математика мактабининг асосчиси, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Всеволод Романовский номи билан аталиб келади.

Дастлаб институт Математика ва механика институти деб номланган ва математика фанлари қатори механика, назарий физика, сейсмология, ҳисоблаш техникаси ва бошқа соҳалар бўйича ҳам илмий изланишлар олиб борган. Кейинчалик ундан механика ва иншоотлар муштахамлиги, кибернетика, сейсмология институтилари мустақил институтлар сифатида ажралиб чиққан.

Хозирги пайтга келиб институт Ўзбекистондаги барча математик илмий тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи илмий марказга айланган ва республика учун юқори малакали фан докторлари ва номзодлари тайёрлаш бўйича катта ишларни амалга оширмоқда.

Институтда замонавий математиканинг эҳтиомлар назарияси ва математик статистика, дифференциал тенгламалар, алгебра ва функционал анализ, амалий математика ва ҳисоблаш усуллари каби энг долзарб йўналишлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориб муҳим натижаларга эришилмоқда.

Институтнинг энг катта ютуғи дунё математик жамиятлари томонидан тан олинган эҳтиомлар назарияси ва математик статистика, хусусий ҳосилати дифференциал тенгламалар ва функционал анализ мактабларининг яратилганлиги ҳисобланади. Бу машҳур мактабларнинг ташкил бўлиши ва ривожланишида В.Романовский, Т.Саримсоқов, С.Сирожиiddинов, И.Аржанихлар туришган бўлса, эндиликда уларга академиклар Т.Жўраев, М.Салохиддинов, Ш.Аюпов, Т.Азларов, Ш.Фармонов ва бошқалар раҳбарлик қилишмоқда.

Ўрта аср математикасининг бой тарихини ўрганишга институт жуда катта ҳисса қўшди. Шарқнинг ўрта асрларга доир қўлёмалари ўрганилди. Ўрта Осиёнинг буюк математик ва астроном олимлари — ал Хоразмий, ал Форобий, Беруний, ибн Ироқ, ибн Сино, Улўғбек ва бошқаларнинг ишлари эълон қилинди ва оммавийлаштирилди.

Институт ташкил бўлгандан буён аспирантура фаолият кўрсатиб келади. 1989 йилда докторантура очилган. Шу кунгача институт ходимлари, докторантлари ва аспирантлари томонидан 90 та докторлик ва 300 дан ортиқ номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган.

Институт тадқиқотлари 80 та монографияда, 130 та илмий тўплам ва рисола-

ларда, 10 дан ортиқ дарсликларда ва чет давлатларининг обрўли илмий журналларидаги кўп сонли мақолаларда ўз аксини топган.

Институтда «Ўзбекистон математика журналы» ва Халқ таълими вазирлиги таъсис этган, ўқувчи ва ўқитувчиларга мўлжалланган «Физика, математика ва информатика» журналы нашр қилинади.

Математика институти қўллаб-қалқаро ва Республика илмий конференциялари ташкилотчиси. Институт кутубхонаси микдор жиҳатидан ҳам, математиканинг турли йўналишлари бўйича ҳам кўп сонли, жуда қадри китобларга эга ва улар яхшилаб тартибга солинган. Бу кутубхона энг яхши математик кутубхона ҳисобланиб, Марказий Осиёда унга тенг келадигани йўқ. У Ўзбекистоннинг барча шаҳарларидаги математиклар илмий тадқиқотлари учун асосий манбаа бўлиб хизмат қилади.

Хозирги кунда институтда алгебра ва анализ, дифференциал тенгламалар, математик физиканинг ноклассик тенгламалари, эҳтиомлар назарияси, математик статистика, ҳисоблаш методлари бўлимлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон математикаси тўғрисида гап кетса албатта учта йirik мактаб — эҳтиомлар назарияси, функционал анализ ҳамда дифференциал тенгламалар мактаблари тилга олинади. Бу илмий мактаблар ўз-ўзидан яратилиб қолгани йўқ. Тошмуҳаммад Саримсоқов, Саъди Сирожиiddинов каби олимлар ўз вақтида иқтидорли ёшларни бошқа йirik илмий марказларга ўқишга юбориб, Ўзбекистон математика фани келажаги учун кадрлар масаласига эътибор берганлар. Хозирги кунда академиклар Маҳмуд Салохиддинов, Тўхтамурод Жўраев, Шокир Фармонов, Турсун Азларов, Азимбой Саъдуллаев, Нўмон Сатимов, Шавкат Аюпов, Шавкат Алимов ва бошқа олимларни қўллаб-қалқатларнинг математиклари танийди, ҳамкорлик қилади.

Хорижий давлатлар ўзларида ўтказиладиган илмий анжуманларга, конференция, конгрессларга мана шу мактаб вакиллари ташкил этишади. Хозирга келиб Математика институти хорижий илмий марказлар билан ижодий алоқаларни жуда кучайтирган. Ходимлари, айниқса ёш олимлари илмий грантлар соҳиби сифатида тез-тез чет эл сафар-

ларида бўлиб келишяпти. Шу кунда институтнинг бир ходими Францияда, бири Германияда сафарда.

Ўзбекистон Фанлар академияси институтилари қўллаб-қалқатлар олийлар, касб-хунар коллежларини ўз талақларига олишган. Бу замон талаби. Математика институти билан ўндан ортиқ академик лицейлар илмий-педагогик шартнома тузганлар. Улар орасида Бухоро, Фарғона, Наманган, Наманган, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрининг бир қанча лицейлари бор. Уларда математика фанини ўқитишга қай даражада эътибор берилганлиги билан қизиқиб келинади, институт олимлари ва лицей ўқувчилари ўртасида учрашувлар ўтказилади, ўқувчилар эса математика институтига келиб илмий ходимлар билан танишадилар. Шунингдек, олимлар таълим тизимини тақомиллаштириш юзасидан олиб бориладиган кўп ишлар қатори математика фанини ҳар томонлама мукамал ўқитиш, ўқувчиларнинг ўқув малакаларини чуқурлаштириш ва ривожлантиришга хизмат қиладиган масалаҳатлар берадилар.

Хозир мактабларда ўқувчиларни олимпиадага тайёрлаш бўйича адабиётлар етишмайди дейиш нотўғри бўлади. Чунки Математика институтида юқорида таъкидлаганимиздек, Халқ таълими вазирлиги томонидан таъсис этилган ва мактаб ўқувчиларига мўлжалланган «Физика, математика ва информатика» илмий-услубий журналы нашр қилинади. Бу журналда мактаб математикасига доир янги-янги маълумотлар бериб борилади. Масалалар бўлимида эса, шу кунларда ўтаётган ҳар хил олимпиадаларда иштирокчилар масалалар келтирилади. Муаллимлар журналдаги мактабларни иқтидорли ўқувчиларга ўрганишга бериб, уларни мактабданок ижодий ишларга ўргатиб боришлари ва хозир республикада ҳар йили ўтказиладиган «ўқувчилар ижоди» танловига аjoyиб-аjoyиб масала ва мисоллар танлаши мумкин. Журнални тайёрлашда кўпчилик меҳнат қилади. Унинг муҳаррири академик Ш.Аюпов, муҳаррир ўринбосари профессор Б.Рихиевдир.

Институтнинг 60 йиллиги муносабати билан Россия Фанлар академиясининг математика ва бошқа Муштақил ҳамдўстлик республикаларининг математика бўйича илмий марказларидан Англия, АҚШ, Германия, Франция, Малайзия, Туркия каби хорижий давлатларнинг йirik математикларидан табрикомалар келиб тургани Ўзбекистонда математика фанининг ўзига хос мактаби борлигининг далилатидир.

Ақром АҚМАЛОВ,
педагогика фанлари
номзоди, доцент.
Муслимон БЕРДИҚУЛОВ,
физика-математика фанлари
номзоди, доцент.

Анжуманлар

ЁШ ОЛИМЛАР
ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Бадий академияси санъатшунос-лик илмий-тадқиқот институти ҳамда Республика «Қамолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ҳамкорлигида «Ўзбекистон санъати: тарих ва замонавийлик» мавзусида ёш олимларнинг илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Икки кун давом этган ушбу конференциянинг биринчи иш кунинда Ўзбекистон ёш рассомлари кўргазмаси намоиш этилиб, шунингдек ёш олимлар тезислар тўпламининг тақдироти ҳам ўтказилди. Шу кун Европа саҳна асарларида Амир Темур образининг бадий талқини, Ўзбекистон саҳна санъати, 1990 йиллар ўзбек дастгоҳи ҳайкалтарошлигининг бадий жараёни хусусиятлари ҳамда Ўзбекистонда веб-дизайн эстетикаси, Тошкент мей-

морлигининг интерьер дизайнига доир масалалар ҳақида атрофлича муҳокама қилинди.

Конференциянинг иккинчи иш кунини «Ўзига хос шарқ» номи ёш рассомлар кўргазмасининг очилиши билан бошланди. Анжуман «Театр санъати, кино ва телевидение», «Мейморлик, тасвирий ва амалий санъати» ҳамда «Фольклор ва замонавий мусиқа санъати» каби мавзулардаги III босқичдан ташкил топиб, биринчи ва иккинчи босқичда асосан ўзбек

театрининг бугунги кундаги ўрни, ёш томошбинлар театрларидаги репертуар масалалари, замонавий ўзбек режиссураси, спектаклларда нутқ санъати ҳамда мейморчилик ва тасвирий санъат ривожидидаги бир қанча ютуқ ва камчиликлар тўғрисида гапириб ўтилди.

Шунингдек, конференциянинг «Фольклор ва замонавий мусиқа санъати» номи учинчи босқичда ёш олимларнинг «Сурхон маросим қўшиқлари», «Чанқовуз чолғуси хусусида», «Мақом ашула йўлларини ўрганиш масалалари» каби мавзуларда қилган маърузалари йиғилганлар эътиборини тортди.

Конференция якунида ялпи мажлис ва шўъба мажлислари якунлари бўйича ёш олимлар тақдирланди. Умида ЮЛЧИБАЕВА



Қорбўрон уйнаш мазза-да!

Санъат

ДОСТОН АСОСИДА
КОНЦЕРТ

Куй, қўшиқ дилларга ором, кўнгилларга роҳат бағишловчи сеҳрли, сирли бир наводир. Инсонлар ана шу оромбахш наволарга доимо сармаст бўлиб яшайдилар. Зеро санъат одамларни эзгулик сари чорловчи порлоқ шуъладир.

Шаҳримизда «Давр са-долари» фестивали дои-расидаги концертлар да-вом этмоқда. Яқинда Ўзбе-кистон Давлат консервато-риясида Алишер Навоий-нинг «Лисон ут-тайр» дос-тони асосида катта кон-церт бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Давлат консер-ваториясининг Ёшлар му-сиқали театри симфоник оркестри, Ўзтелерадио-компаниясининг хор жамо-аси ҳамкорликда ўтказди-лар.

Концертда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист-лар М.Дадабоева, А.Шари-пов, М.Зиёева, С.Ниёзов-лар ўзларининг дилрабо куй ва қўшиқлари билан иштирок этдилар.

Кечани суҳандон Шавкат Зиёмухамедов олиб бор-ди.

«Лисон-ут тайр» досто-нидаги куй ва қўшиқларни бастакор Мустафо Бафоев басталади.

ҚЎШИҚ КҮЙГА
УЛАНГАНДА

Кунни кеча Ҳамза номи-даги музика коллежисида концерт бўлиб ўтди.

Концертда Дони Зоки-ров номидаги халқ чогул-лари оркестри қатнашди. Кечада бастакорлар Д. Зо-киров, Ғ.Тошматов, Ғ.Али-мов, О.Абдуллаева, Ғ.Ра-химовларнинг: «Эй сабо», «Гулжамол», «Икки чинор», «Кел», «Кўчалар», «Увертю-ра» каби бир қанча куй ва қўшиқлари ижро этилди.

ТАЛАБАЛАР
ИЖРОСИДА

Ўзбекистон Давлат консерваториясида сим-фоник музика концерти бўлиб ўтди.

Концертда Х.Назаров-нинг «2-Симфонияси», Д.Зокированин «1-Симфо-нияси», А.Ҳасановнинг фортепиано ва симфоник оркестр учун концерт-идан куйлар ижро этилди.

Концертни Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабалар симфоник орке-стри уюштирди. Ўзбекис-тонда хизмат кўрсатган артист, профессор Қувонч Усмонов оркестрга раҳ-барлик қилди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Таълим соҳасидаги ўзгаришлар йўқдан пай-до бўлмади. XX аср бошлариданоқ таълим-тар-бия соҳасида муҳим ўзгаришлар пайдо бўлди: жадид мактаблари, янги руҳдаги муаллимлар, ўзига хос дарслик, ўқув қуролилари яратилди. Биз Истиқлолни мустақамлашга интилар экан-миз, ҳамisha кечаги кундаги яхши анъаналар-га аҳамият қаратмоғимиз, халқ маорифи, таъ-лим-тарбия ривожига ҳисса қўшган фидойи сиймоларни хотирлашимиз лозим. Бугунги ҳикоямиз XX аср ўзбек мактаби, таълим-тар-биясида ўчмас из қолдирган Оқилхон Шара-фиддинов ҳақида.

Бу инсон 1918 йилда 70-йилларнинг охири-гача, нақ 60 йил бошланғич синф ўқувчилари-га дарс берди. У яратган «Алифбе» китоби 1938 йилдан 90-йилларнинг охиригача ва яна 2002 йилда — 60 йил улуғсиз нашр этирил-ди. XX асрдаги бир неча авлод «Алифбе» де-ганда Оқилхон Шарафиддиновни тушунадиган бўлиб қолди. Бу зоти шарифни кўплар «Алиф-бобо», «Бошланғич синфлар профессори» дей-диган бўлдилар. Тошкент шаҳрида, Тўйпетада Оқилхон Шарафиддинов номидаги мактаб бор. Устоз ҳақида ёзилган мақола-очеркларнинг сон-саногини йўқ, Ўзбекистоннинг машҳур адиб-лари бу мўътабар зот — О.Шарафиддинов ҳақида шеърини, насрий асарлар ёзганлар.

Устоз муаллимнинг вафотларига ҳадемай чо-рак аср тўлади. Аммо бу улус инсон ёди қалб-ларда хануз яшамокда, у киши эккан ниҳоллар мўл-кўл ҳосил бермоқда.

Оқил Шарафиддинов иймонли, эътиқодли инсон эди. Ҳеч қачон, ҳеч қерда иймонига зид бормади, ҳукумат бошлиқларига ҳамду сано айтмади, ўзини кўз-кўз қилиш, назарга ту-шишга интилмади. Унинг энг улуг томони, фа-зилати шунда эдики, мурғак инсонларнинг бе-ғубор қалбларига «алиф»ни ўчмас қилиб би-тириш моҳияти, фалсафасини теран англаб етди. Жисм бақувват бўлса, унча-мунча касаллик ки-шини безовта қилолмайдми. Қалб тўғри тар-бия топа бошлаган бўлса, маънавий-руҳий та-наззул рўй бермайдми. Оқилхон Шарафиддинов мурғак қалбларга ҳарфларни ўчмас қилиб би-тар экан, айни вақтда болаларда Ватанга му-ҳаббат, халққа, ота-онага меҳр, истиқболга ишонч, яратганга иймон-эътиқодни ўстирди. Ҳазрати муаллим фалсафаси бир томону, жо-рий ҳаёт турмуш сиёсати бир томон эди. Зеро, улуг инсонлар ўтга тушганларида, сувга чўккан-ларида ҳам эътиқодларидан воз кечмайдилар.

Оқилхон Шарафиддинов насл-насаби тоза, аждодлар тарихини, эзгу ишларни изчил давом эттирадиган оилада 1898 йилда туғил-ди. Бобоси Аҳмадхўжа XIX асрнинг 70-йилла-ридан бошлаб Себзор даҳасининг муфтийси — Тошкентнинг 15 улуг амалдорларидан бири бўлиб, узок муддат эл-юртга ҳалол хизмат қил-ди. Оқилхоннинг отаси — Шарафиддинхўжа Қўқон мадрасаларининг бирида таҳсил қўрди, ўттиз пора Қуръонни дилига го айллади, уни қироат билан ўқийдиган бўлди. Ота қўрган ўқ отар деганларида, Оқилхон эски, рус-тузем мактабларида, кейинчалик Эски Жувадаги Бек-ларбег мадрасасида ўқиди. 1917 йилдан кей-ин сиёсий вазият кескин ўзгарди. Давлатни бошқара бошлаган шўролар ҳукумати 1918 йил-да ўзининг асл моҳиятини — зўравонлиги, аёв-сизлигини исботлади.

Оқилхон Шарафиддинов қизилларнинг илк оммавий қирғини бошланган, етим-есирлар кўпайган 1918 йилда ўқитувчиллик фаолиятини бошлади. 20 ёшли Оқилхоннинг Тўйпетада таш-кил қилган илк мактабига дастлаб 7-8 бола кел-ди. Ўша ўқувчилардан ҳозир биронтаси бор-ми, ҳаётми — билмаймиз. Лекин бitta ҳақиқат-ни ишонч билан айтишимиз мумкин: Оқилхон муаллим илк ўқувчиларига ҳам ҳарф танитган, ҳам инсонийлик дарсини берган. Инсонийлик дарси меҳр улаштишдан бошланади. Мана шу ўринда шўро мафкурасидаги муҳим бир қусур билан Оқил Шарафиддинов услубидаги асо-сий фазилат тўқнашади. Шўро давлатининг бош китоби — Конституциясида инсонийлик ҳақида бисёр ёзилган бўлса-да, аслида инсон-га муҳаббат, гуманизм Шўро тизимида энг бўш, омонат ҳалқа эди. Инсонга меҳр бор жой-да минг-миглаб одамларни қамаш, ўлдирши, хўрлаш бўладики? Меҳр-содқоқ эъзозланган юрда сон-саноксиз етимхоналар бўладими, бола отага, она қизига қарши гиж-гижланади-ми? Шўро ҳукумати фуқаролари орасида Оқил Шарафиддинов сингари дин-диёнати, ий-мон-инсофи, Яратганга банда эканлигини зинҳор унутмаган минг-миглаб кишилар бо-шқа миллатларда ҳам бор эди. Худонинг мар-

ҳамати шундаки, Оқилхон Шарафиддинов син-гари кишилар бақир-чақир-қиз-қиз ўз юмуш-ларини ҳалол, диёнат билан адо этдилар. Оқилхон муаллим ўқитган ҳар бир синфдан ҳеч бўлмаганда академик С.Зиёдуллаев, генерал С.Охунжонов, шоир Тўроп Тўла, адиб Султон Акбарий, академик А.Ҳожиёв, профессорлар Ҳ.Собиров, Т.Абдуллаев, Н.Абдуллаев ҳамда қанчадан-қанча ҳалол, инсофи дехкон, ишчи, дурадгор, рассом, чорвадор, тадбиркорлар етишиб чиқди. Бошқача айтганда, Оқилхон Ша-рафиддинов сингари минг-миглаб устозлар кишилардаги иймонни мустақамладилар, меҳрга бўлган эътиқонни қондирдилар. Эрк туй-ғусини тинимсиз чарқлаб турдилар.

Оқилхон Шарафидди-новни ҳеч ким, ҳеч қачон жадид маърифатпарвар-лар қаторига қўшмаган. Тўғри-да, Оқилхон муал-лим Авлоний, Ҳамза син-гари ижодкор бўлмаган, Бехбудий, А.Зоҳирий син-гари маърифий рисола, мақолалар битмаган. Ле-кин... О.Шарафиддинов руҳан, моҳиятан жадид муаллим бўлган: устоз бо-лаларга савод-таълим бе-риш қаторида миллий туйғунини, «Даст ба кору, дил ба ёр» фалсафасини мураккаб бир шароитда шакллантирган. Оқилхон устоз ўқитувчи сифатида Саидрасул Саидазизов, Мунавварқори Абдура-шидхон, Ашурали Зо-ҳирий, Абдуқодир Шаку-рий, Шокиржон Раҳимий анъаналарини давом эт-тирган, янги шароитга мослаган.

Оқилхон муаллим дарс-лик ёзишда салафлари изидан борди. Бошланғич синф ўқувчиларининг илк дарсликлари — «Устои аввал» 1902 йилда яра-тилган эди. 1928 йилда Шокиржон Раҳимийнинг «Совға» («Алифбе»)си чоп этилди. О.Шара-фиддинов С.Саидазизов, М.Абдурашидхо-нов, Ш.Раҳимий дарсликларида фойдалан-ганлиги шубҳасиз. 1938 йилдан бошлаб 1998 йилгача, ҳатто XXI аср бошида ҳам Оқилхон Шарафиддинов «Алифбе»си чоп этилди. Ус-тоз ҳам лотин, ҳам кирилл ёзувида «Алиф-бе» тузди. Ажаб, инсон ҳеч қачон мактаб-мак-таб ҳавони ютмайди, алқаб-алқаб онани се-вишини айтмайди, нонни иштаха билан чай-нар экан, унинг тириклик асоси эканлигини ўйлаб ўтирмайди. Камида икки авлод ўзбек йигит-қизлари О.Шарафиддинов «Алифбе»-си асосида саводли, ўқимшли бўлдилар. Мен, масалан, ҳеч қачон Оқил Шарафидди-нов «Алифбе»сининг сифати ҳақида ўйлаб кўрмаган эканман. Ишончм қомилки, бошқ-алар ҳам устоз тузган илк дарсликни энг мукамал, энг тансиқ, энг зарур деб билган-лар. Ўйлаб кўрилса, О.Шарафиддинов «Алифбе»сида муаллимнинг эътиқоди, ҳаётий фалсафаси, интеллектуал даражаси акс этган экан. О.Шарафиддинов «Алифбе»-си тузилганида телевидение, компьютер йўқ эди. Устоз ўз ўқувчиларига ҳаётий тажриба-ни, зарур нарсаларни ўргатган. Оқилхон Ша-рафиддинов «Алифбе» ёзар экан, шон-шўх-ратни, муҳими танлов-тендерларда иштирок этиб, моддий манфаат қўришни ҳаёлига кел-тирмаган. Бу гапни бекорга айтмаётганим-ни зийрак ўқувчи билиб тургандир. Саба-би, «Хуррият» газетасининг 2003 йил 19 но-ябрь сониди «Савияси саёз «Алифбе» ёхуд алдагани бола яхшими?» деган мақолани ўқиб, «Тавба, тавба» дедим, ёқамни ушла-дим. Мақола руҳидан шу нарсалар сезила-дики, у ўқувчи болалар манфаатини кўзлаб эмас, 2003 йилдан Ғ.Сафарова ва бошқалар томонидан ёзилган «Алифбе»ни ёмонотлиқ қилиш учун ёзилган: шундай микроскопик тек-ширувлар ўтказилганки, муаллиф Д.Жалило-ва — боғча-мактаб ўқитувчисига қойил қол-дим. Шу «Алифбе» хусусида бир қанча ўқитувчилар билан суҳбатлашдим. Уларнинг фикрича, маскур «Алифбе»да бола руҳи, да-ражасини ҳисобга олмасдан киритилган мат-

нлар, «Боши ўроқ, думи тароқ» (хўроз) син-гари шошиб ёзилган «топишмоқлар», расмларнинг матнга мос келмаслиги ўрин-лари анчагина бор. Жаноб ўқитувчилар — «Алифбе» яратувчилар, ёш болаларга — қал-бнинг оппоқ дафтарини сизга ишониб топ-ширишгагина бепарво бўлманг, танловда қатнашман, мунофот оламан деб энг олий масъулиятни унутманг! Ҳеч шубҳасиз Оқил-хон Шарафиддинов ҳам шу гапларни айтган бўлардилар. Оқилхон устоз «Алифбе»ларида-ги матнлардан ҳаёт нафаси, миллат руҳи уфу-риб турарди. Уст «Али»лар мисоли ўзбек болалари қалбига мослаб тикилган пишиқ-пuxта кийим эди.

Шарафиддинова хотирлайдилар:

— Мен II жаҳон уруши бошланган йили акам, опам таҳсил кўраётган 14-мактабга ўқишга бордим. Оқилхон Шарафиддинов синфларига тушдим. Ўша йили, янглишма-сам, Оқилхон устоз кирилл ёзувидаги «Алиф-бе»дан бизга сабоқ бердилар. Мен лотин ёзу-видан хабардор эдим, Озод акамга эргашиб, у-бу китобларни титишга одатланган эдим. Ўқитувчимиз кирилл ёзувини сира тутилмас-дан, янглишмасдан ўргатдилар.

Афсуски, мен Оқилхон ака синфларида тўлиқ ўқий олмадим. 1943 йилдан ўғил бо-лаларни алоҳида, қиз болаларни алоҳида мактабда ўқита бошладилар. Мен Кадават-даги 33-қизлар мактабига ўтиб кетдим.

Профессор Шариф Юсу-пов уруш йилларида 14-мак-табда фаолият кўрсатган. У киши ўша пайтдаги аҳвол, ўқиш-ўқитиш, педагоглар қайфияти ҳақида қизиқ-қизик воқеаларни сўзлаб бе-ардилар. Мана, Ш.Юсупов хотираларидан бир шингли:

Немис-фашистлар Санкт-Петербург (собик Ле-нинград)ни қамал қилган, Украина, Белоруссияни бо-сиг олган, Москвага ақина-либ қолган. Одамлар кайфи-яти чатоқ. Қимматчилик, ҳали у ҳовлидан, ҳали бу ҳовлидан...

— Вой болам... Шаҳид кет-ган болам... — деган фигон-лар эшитилиб қолади. Шун-дай танг пайтда Оқилхон дом-ла босиқлик, доншмандлик билан гапириб қолардилар:

— Қора кунлар ўтиб кета-ди. Пайтида нонни ёғ, қанд-курс билан еганмиз. Сабр-қаноатли бўлайлик...

Қизик, одамлар Оқилхон аканинг гапларига қулоқ со-лар, нолишларини йиғишти-риб, вазибаларини адо этиб кетаверарди...

Оқилхон Шарафиддинов қадрдон 14-мактабининг ўқитишчилигига бил-ган десак хато қиламиз. Устоз ўта фаол, уд-дабурон, тиниб-тинчмас инсон бўлганлар. Ўзбекистондаги бошланғич синф ўқитувчи-лари борки, устоз муаллим усул-усулблари-га асосланиб иш юритганлар. 14-мактаб рес-публика ўқитувчиларининг тажриба ўрганиш маскани эди. Ўнлаб ўқитувчилар Оқилхон ус-тоздан бир ҳафта, ўн кун, бир ой тажриба ўрганганликларини ҳамон мароқ билан эс-лайдилар. Оқилхон Шарафиддинов шахар, туман халқ маорифи таълими бўлимида, ка-саба уюшмалари кўмитасида бот-бот бўлар-дилар. Устознинг табиатларига сингиб кет-ган муҳим тушунча бор эди. Қадимда мактаб-ни, мадрасани ваф ерлари боққан, моддий таъминлаган. Мударрис ҳам, имом-хатиб ҳам деҳқончилик қилган, бирон касбнинг боши-ни тутган. Оқилхон муаллим ўқитувчининг фақат дарс бериш билан чекланиб қолиши тарафдор бўлмаганлар. Уларнинг ўзлари ҳамisha барбоғ олганлар: ёз бўйи бола-чалари билан меҳнат қилганлар. О.Шара-фиддинов мактаб, туман, шахар қасаба уюш-маси аъзоси сифатида ўқитувчилар моддий таъминотини яхшилаш йўл-йўригини ахтар-ганлар. Устоз сазй-ҳаракатлари билан кўп ўқитувчилар ер-суви, ҳовли-жойли бўлган-лар. Ҳеч иложи топилмаса, устоз ўқитувчи-ларга муддатли ижара жой — барбоғ олиб берганлар. Оқил Шарафиддинов боғларида-ги молхонада ҳамisha 4-5 та қўй, соғин си-ғир бўлган. Ер, боғ, мол-ҳол борми, педагог жисмоний меҳнат қилади. Меҳнатнинг қадри-га етган одамдан ёмон, бемехр ўқитувчи чи-кмайди. Мол-ҳол, ер-боғ одамни тадбиркор-лика ўргатади. Оқилхон Шарафиддинов шўро даврида ҳам ўқитувчидаги тадбиркор-лик туйғусини парваришлаган. Лекин Оқил-хон устоз зинҳор тадбиркорлик, жисмоний меҳнатни ҳаддан ошириб юбормаган. Ўқитув-чи зинҳор: у ўқиши, ўз устида ишлаши, маъ-навий дунёсини бойитиб бориши зарур. Акс ҳолда у ўқувчи қалбига йўл тополмайди, унинг интеллектуал бойишига ҳисса қўшол-майди. Эътибор берганмисиз, битта мактаб-

да учта-тўрттагина тилга тушган, ўқувчи қал-бидан жой олган ўқитувчи бўлади. Оқилхон Шарафиддиновни олтимиш йил аввал ўқиган шогирд ҳам, ўттиз йил олдин таҳсил қўрган ўқувчи ҳам эслайди. Битта оилада О.Шара-фиддинов шогирди бўлган ота-она, ўғил-қиз-ларни учратдим. Академик Азим Ҳожиёв Эски Жуваннинг Зарқайнаридаги тор кўчада туғилди, бола-чақали бўлди, элда азиз олим — академик бўлди. Азим ака 14-мактабда, Оқилхон устоз синфларида ўқиганлар. Ака-демикнинг қизлари Вазира, ўғиллари Жа-ҳонгир ҳам Оқил Шарафиддинов кўлида са-вод чиқарганлар. Вазира (Ҳожиёва) Карим-жонова Ўзбекистон Миллий университети доценти, филолог-олима. У педамалиётга раҳ-барлик қилади. Вазира Оқил Шарафидди-новда ўқиган 1964-67 йилларини яхши эс-лайди:

— У вақтларда ёш болали оналарга бери-ладиган таътил ниҳоятда қисқа бўларди. Ойим ёш болали бўлдилар. Нигора синглим ёшига етар-етмас ишга тушиб кетдилар. Мен пешинда ўқишга борардим. Ойим пешин-гача қайтардилар. Гоҳида онам ишхонада ушланиб қолардилар. Шундай вақтларда синглимни опичиб мактабга келардим. Ус-тоз мени кўрсатди:

— Кел, қизим. Синглингни менга бер, — Нигорани ёнларидаги курсига ўтказар, ол-дига қуртмиди, конфетмиди, майизмиди кўрдилар-да, — Сен яхши қиз бўлиб ўтир-гин, биз дарс қиламиз, — дея ўқтирдилар. Ё, тавба, зигирдай синглим миқ этмай, қум-тошдай ўтирарди.

Бир маҳал синф эшиги аста тақиллатилар-ди. Устоз эшикни очардилар-да:

— Келдингизми, келин. Ана қизингиз би-бинойи бўлиб ўтирипти. Олиб кета қолинг, — дердилар. Ойим уяла-уяла устозга миннат-дорчилик билдира-билдира синглимни олиб кетардилар...

Вазира ана хотирага берилади:

— Устоз синфга киришлари билан ёнглик, ё иш кийим (камзул)ни кийиб олардилар. Биз устозни энглик ёки камзулда кўришга одат-ланганмиз. Устоз синфга киришлари ҳамона қий-чув бошланарди. Ҳамма ўқувчи устознинг иш камзулларини кийгизиб қўйишга ишқибоз эди. Оқилхон ака камзулни кийдириб қўйган ўқувчини опичлаб олардилар-да, гир айланар эдилар. Устозга опичган бахтли ўқувчи ҳам, бошқалар ҳам чунонам йираб кетардиларки... Устоз ўқувчиларни эмин-эркин тутардилар. Лекин ҳеч қайсимиз ҳадимиздан ошиб кетмас эдик. Оқилхон устоз меъерни жуда нозик ҳис қилардилар. Биз эркин эдик, синфда бемалол ҳаракат қилардик, аммо устоз сабоқлари мия-мизга тўлиқ қираар, юрагимизга таъсир этар-ди. Оқилхон устоз кўпична узун кўрсаткичдан унумли фойдаланардилар. Бир кунни укам Жа-ҳонгир мактабдан машқи паст ҳолда қайтди. Эмишки, устоз кўлларидаги кўрсаткич билан ўз набираларини қаттиқ урибдилар. Кўрмаган-миз, билмаганмиз, устознинг ўқувчини, устига устак ўз набираларини қалтақлашлари ҳамма-мизга галаги туюлди...

...Оқилхон Шарафиддинов туғилганларига 105 йил, вафот этганларига 22 йил тўлди. Ус-тоз ёққан чирок пориллаб ёниб турибди. У ўз даврида ююсак унвонларга сазовор бўлган ҳаз-рати муаллим. Оқилхон Шарафиддинов хоти-раси минглаб қалбларда яшаб келмоқда. Ҳозир Тошкентнинг Кўкча мавзесида Оқил Ша-рафиддинов номидаги кўча бор. Шу ерда ус-тознинг ўғиллари, набиралари истиқомат қилади. Мен Саидмақсуд, Туйғунхон оғалар, Дилбархон, набиралар Саидборий, Саидоди-хон, неvara келин Муқаддамхон билан учраш-дим. Улар билан анча-мунча суҳбатлашдим. Оқилхон устознинг инилари Саиднаби ота юз ёш пойида эканлар. Оқилхон домланинг Саид-боқи, Саидворис, Махбубахон ака-укалари, икки ўғиллари ўтиб кетишибди. Битта нарс-а менга қаттиқ таъсир қилди: Саидмақсуд оға на-ходонларида Оқилхон устоз руҳлари, нафасла-ри сезилиб турибди. Гўё устоз қаергадир чи-қанлар-у, хали замон қайтиб келадилар. Оқил-хон Шарафиддинов овозларини фарзандлари-дан эшитдим, дид-фаросатларини уй-жойла-рида ҳис қилдим. Устоз бошлаган хайрли иш хануз давом этаётганлигини неvara, эваралар фаолиятида аниқ ҳис қилдим. Ҳазрати Муал-лим диллардан муҳим жой олган эдилар. Ул зот хануз ашаяптилар...

Абдуғафур РАСУЛОВ

Фан

ЁШЛАР
ИЗЛАНИШЛАРИНИ
РЎЁБГА ЧИКАРАДИ

Республика Фанлар ака-демияси ҳамда ёш олимлар миллий жамияти ҳамкорли-гида Ўзбекистон Фанлар академиясининг 60 йилли-ги муносабати билан «Мус-тақиллик ва Ўзбекистон фани» мавзуида анжуман ўтказилди.

Бугунги кунда академияда 49 та илмий-тадқиқот муасс-аси мавжуд бўлиб, унда 129 нафар академик, 40 дан ортқ фан доктори ва 1000 га яқин фан номзодлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ёш олимларнинг илмий иш-лари натижаларини таҳлил қилиш, уларни мутахассислар эътиборига ҳавола этиш фан тараққиётига хизмат қилади. Анжуманда сўзга чиққан акаде-мия мутасаддилари бу каби мунозаралар илм йўлини тан-лаган ҳар бир тадқиқотчи учун аниқ мақсад ва йўналишни танлаб олишга имкон бериши-ни эътироф этди.

Анжуманга тақдим этилган илмий мақолаларнинг энг ях-шилари яхлит тўплам сифати-да нашр этилган. Бу каби баҳс-мунозаралар ва учрашув-лар ёшларни фаннинг турли соҳаларига янада қизиқтириш-га, уларнинг изланишлари на-тижаларини рўёбга чиқариш-га имкон беради.

«Туркистон-пресс»

ЯНГИ ГЕОГРАФИК
ВА ГЕОЛОГИК
ХАРИТАЛАР

Ўзбекистон Фанлар ака-демиясининг Сейсмология институтини олимлари изла-нишлари натижалари ўла-роқ қатор янги географик ва геологик харита ҳамда ат-ласлар юзага келди. Макро-сейсмик, муҳандис-геоло-гик ва сейсмометрик усул-лар асосида босмага тай-ёрланган бу картографик махсулотлар Марказий Осиё ҳудудлари сейсмик ҳолатини атрофдаги ўр-ганиш имконини бераётди.

Шарқий Ўзбекистон худуди-ни ижтимоий-иқтисодий баҳо-лашнинг геологик асосларини тадқиқ этиш йўлида сейсмо-тектоник, сейсмологик ва му-ҳандис-геологик мезонлари ишлаб чиқилмоқда. Чўтқол-Курама ҳудуди бўйича тузил-ган харита ҳам институт оли-мларининг ютуғи бўлди. Бу из-ланиш асосида эса зилзила эпицентрининг фазода тарқ-алиш харитаси яратилди.

Чорвоқ ва Андихон сув ом-борлари ҳудудларида сейс-мик фаоллигини акс эттирувчи хариталар устида ҳам жиддий изланишлар олиб борилди. Кучли зилзилалар ва хавфли геоэкологик ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича тайёр-ланган илмий тавсиялар ижо-бий баҳоланди.

«Ўзбекистон географик ат-ласи»ни яратиш ишлари қу-тилган натижани берди. Унда 50 дан ортқ турли хариталар жамланади, мамлакатимиз ви-лоятлари аҳолиси, ер фонди, сув ҳўжалигига оид ҳариталар ҳам ушбу атласдан ўз ақсини топади.

Анвар АЛИБОВ

Шарқ дурдоналари

03-03 УЎТАНИШ
Домо бўлур...

• Хикоят: Айтишларича, қадимда Эрон шоҳларидан Хусрав Парвиз бир кун оғва чиқди. Ов гавғоси кучайиб кетиб отиш, югуриш вақтида Хусравнинг тожидаги ноёб гавҳар тушиб қолди. Ов жуда ўзиб кетгани соясида гавҳарнинг тушиб қолганини ҳеч ким сезмади. Ов тамом бўлгандан кейин Хусрав ўз пойтахти Мадоний шаҳрига қайтгандан кейингина қимматбаҳо гавҳарнинг тушиб қолганини сизди. Дарҳол жарчилар орқали бу воқеани шаҳар халқига билдириб топиб келтирган кишига жуда кўп инъом, эҳсон қилишини қасамд этиб ваъда қилди. Одамлар шоҳдан инъом олиш завоқи билан биёбонга чиқиб шоҳ гавҳарини қидира бошладилар.

Уша кун бир гофил, яна бири оғоҳ бўлган икки киши чўл-биёбон йўлидан юриб шаҳарга келаётган эдилар. Ўзига бино қўйган, мутакаббир гофилнинг номи Мудбир жаҳонгард, адабли, тавозеъли оғоҳнинг номи эса Муқбил жавонмард эди. Улар гавҳарни қидираётган одамларга йўлқидилар. Халқни гавҳар излашга келтирган бошлиққа учрашдилар. Мутакаббир Мудбир бошлиқнинг юзига ҳам қарамади, сөррайиб тураверди. Муқбил жавонмард эса бошлиққа салом бериб у билан кўришди, одоб, тавозеъ билан бошини эгган эди, оёғи остида Хусравнинг йўқолган гавҳарига кўзи тушиб қолди, уни дарҳол ердан олиб, ўпиб бошлиққа берди. Бу бошлиққа гавҳарни излаб топиш учун халқни биёбонга олиб чиқиш иши топширилган эди.

Бошлиқ Муқбилнинг қўлини ушлаб у билан бирга шаҳарга қайтиб, бўлган воқеани Хусравга бирма-бир айтиб берди. Хусрав хурсанд бўлиб Муқбилга жуда кўп мол-дунё эҳсон этди. Мудбир эса тақаббурлик натижасида шаҳар гулханида мақом тутди. Муқбил тавозеъ ва адаб ҳосияти соясида Хусрав Парвиз гулшанида ором топди.

Байт:
**Мутакаббир кезибон шаҳарда хору мардуд,
Мутавзеъни гани айлади дур.**

• Шайх Саъдий айтди:
Хикоят: Золим, инсофсиз бир подшоҳ диёнати, тақводор одамдан: «Ибодатлардан қайси бири энг афзал ибодат саналади?» деб сўради. Тақводор одам шундай жавоб берди:

— Кундуз кунининг ярминини ухлаб ўтказсанг сенинг учун энг афзал ибодатдир, чунки ҳеч бўлмаса шу муддати ичида халқни ранжитмайсан.

Байт:
**Золими кўрдим ярим кун уйкуда,
Ушбу фитна уйкуси яхши дедим.**

Шоир ва драматург Хуршид таваллудининг 110 йиллигига

Ёш шоирнинг газал бўстонига тетапоа қилишида ҳофиз Шерозий, Фузулий, Машраб, Муқимий, Фурқат, Камий Шошйиллар назмининг таъсири салмоқли бўлди. У ўзининг лирик шеърлари, нафосат пардасига йўғрилган газаллари билан эл орасида тез танилди, XX асрнинг ўнinchи йилларига келгач, ўткир истеъдод эгаси бўлган қалам соҳиби, шу даврнинг «шоири машҳур»лари қаторидан жой олди ва унинг шеърлари баёзларда, шунингдек 1910 йиллар бошида чоп этилган, халқ орасида кенг тарқалган «Тўғайи Хислат» баёзида ҳам «Хоиб» таҳаллуси билан ёритилди; у «Девони Шохидий» дея аталган девонини ҳам яратди. Шамсиддин Шарофиддинов шу даврларда «Шукрий», «Хуршид Шароф» таҳаллуслари билан ҳам шеърлар, ҳажвийлар ёзди; унинг публицистик мақолалари, шеърлари «Таржимон», «Ойна», «Садои Фаргона», «Дилирик», «Бобои Амир», «Мулла Насриддин», «Садои Туркистон», «Изоҳ», «Ислоҳ» кейинчалик эса «Иштирокиюн», «Мушум» ва бошқа газета, журналларда босилиб турди. Хуршид ўзбек халқ куйларини, «Шашмаком»ни мукаммал биларди ва унинг барча шўбаларига боглаб гўзал, фусункор, турмазмун, философия мушоадалар билан йўғрилган ўз газалларини яратган эдики, «Дугоҳ», «Сегоҳ», «Чоргоҳ», «Ушум», «Баёт», «Фигон», «Гиря», «Йрок», «Сувора»лар халқ мусикий-қўшиқчиликлари санъати, ижрочиликлари маданиятининг ноёб дурдоналари сифатида маънавий меросимиз хазинасидан муносиб жойини эгаллаган.

Хуршид зиёкорлар оиласида туғилиб ўсди, отаси Шарофиддин қори Шарқ диний маданияти, маърифатчилигининг билимдони эди. Онаси Хонпошша отин ҳам қория биби эди. Тошкентнинг «Севзор» даҳасида «Коҳ-ота бузург», «Қошиқчи» маҳаллаларида мактаб тутиб дарслар берарди.


драмси тамал тошини қўйганлардан биридир. Хуршид ўзбек опера санъати ва театрининг юзга келиши, шаклланиши, ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшган. 1938 йилда «Правда Востока» газетасида М.Ашрафий, Ҳ.Носирова, Тамираҳоним,

достонлари қаҳрамонларини сахнага олиб чиқди ва ўзбек драматургиясида дастлабки шеърли пьесаларини ёзди, жаҳон «Саҳна навоийномаси»га асос солиб берди. XX аср матбуотида таъкидланганидек, 20-30-йилларда халқ орасида

икки атоқли ижодкор айниқса катта шухрат қозонди. Бири Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романлари билан, яна бири Хуршид «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» саҳна асарлари билан. Хуршид жаҳон, фарб, шарқ, рус халқлари драматургларининг 20 дан зиёд пьесаларини ўзбек тилига таржима қилди ва улар М.Ҳайрулло, Е. Бобохонов, М.Муҳамедов, Э.Юнгвальд-Хилькевич, З.Қобулов, Р.Ҳамроев, А.Бакиров, А.Жураев каби атоқли режиссёрлар томонидан сценалаштирилди ва спектакллардаги роллари жуда кўп машҳур санъаткорлар, ижодкор ёшлар ихро этидилар.

Шамсиддин Шарофиддинов Хуршидга адабиётимиз, театр санъатимиз, драматургиямиз, мусикий маданиятимиз, маърифатчилигимиз равнақи йўлидаги улкан хизматлари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фарҳи унвони берилди. Истиқлол босиб халқ санъаткорининг номи, ижодиёти янада эъзозланиб, қадрланмоқда. XX асрнинг шахога сийини йилларида ноҳақ айбланиб, азиятлар чеккан Хуршид адолатли кунлар келишига ишониб, шундай ёзганди:

Толеинг уйғонгуси Хуршид,
унга йўқдир гумон,
хар қаро тун тўнгида тонг
отди, чиқди оғибот...
Эркин ЭРНАЗАРОВ,
Ўзбекистон
Республикаси Маданият
ишлари вазирининг
биринчи ўринбосари.

ХУРШИД ВА
МАЪРИФАТ КУЙЧИСИ

Машҳур ўзбек драматурги, атоқли театр намояндаси, шоир ва таржимон Шамсиддин Шарофиддинов Хуршид таваллуд тоғганига 110 йил тўлди. У азим Тошкентда туғилиб ўсди, ижод бўстонида эрта кириб келди, дастлабки шеърларини 13 ёшидан бошлаб, Яссавий, Жомий, Навоий назмиёти таъсирида яратди ва ўзи бу ҳақда қуйидаги мисраларни битган эди:
Яссавий, Жомий, Навоий Хуршид устоди экан,
Бўлғусидур халқ аро ашъори ижод оқибат...

Хуршид XX аср ўзбек драматургияси ва театр санъатининг Бехбудий, Фитрат, Қодирий, Ҳожи Муин, Бадрий, Ҳамза, Фулом Дафарий, Чўлпон, Ғозӣ Юнус сингари қалдирғоч намояндalarидан эди. У пьеса яратиш майдонига, театрчилик жараёнига ўтган асрнинг 10-йилларида кириб келиб, бу борадаги қизгин фаолиятини айниқса, 20-30-йилларда авж олдириб, катта шухрат қозонди. Драматург ўзининг дастлабки саҳна асарларини «Бечора волида», «Ориф ила Маъруф» қолғули манзума (мусикий драма)ларини 1913-15 йилларда, Андижонда яшаб, ижод қилган даврида ёзган эди.

Драматург Хуршид 30 дан ортиқ катта ва кичик ҳажмдаги пьесалар яратди. Атоқли театр намояндаси ўзбек мусикали

К.Яшинлар таъкидлаганидек, «Фарҳод ва Ширин» (Хуршид ва Успенский асари)нинг саҳналаштирилиши билан (21 июнь) ўзбек опера театрини бунёд этишга асос солинди. «Фарҳод ва Ширин»нинг 1928 йилда қўйилиши билан Андижон Давлат театри ўлкада биринчи бўлиб, «мусикали драма театри» атамасига эга бўлганди ва бу республикадаги биринчи давлат мусикали театри эди. Собиқт ўзбек давлат академик драма театри репертуарининг шаклланиши, равнақ топишида ҳам Хуршиднинг хизматлари каттадир.

XX асрнинг 20-йиллари бошида халқ маданий меросига, мумтоз шоирлар асарларига сиёсий-мафкуравий ҳужумлар авж олган пайтларда Хуршид театр санъати тарихида биринчи бўлиб, буюк Алишер Навоий

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Хурматли маҳаллий ва хорижий ишбилармон, тадбиркор жаноблар, барча подаёт ҳуқуқий ва жисмоний шахслар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари!

Тошкент шаҳар ҳудудий танлов комиссияси, «Тошкент оқшоми» газетасининг 2003 йил 5 ноябрдаги 215-сонда берилган реклама эълонига қўшимча равишда маълум қилади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги 368-сон қарорини бажариш мақсадида Давлат тендер комиссиясининг 2003 йил 6 ва 27 октябрдаги мажлис қарорларига мувофиқ тасдиқланган паст рентабелли, зарар қўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари ва паст ликвидли объектларни, инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан бепул бериш бўйича танлов савдоларини ўтказди.

Қуйидаги объектлар бўйича танлов савдолари 2003 йилнинг 25 декабрда бўлиб ўтади:

1. Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, «ТТЗ» даҳаси, 2-мавзе, Белоножко кўчаси, 12-уй манзилида жойлашган, 9 қаватли (А ва Б блоклардан иборат), умумий майдони 5835 квадрат метрга тенг бўлган, 1983 йилда қўриб ишга туширилган, 7-сон ётоқхона биноси.

2. Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Самарқанд Дарвоза кўча, Ариний берк кўчаси, 17-уй манзилида жойлашган, умумий ер майдони 2146 кв.метрга тенг бўлган, 1935 йилда қўриб ишга туширилган 29-сон болалар боғчаси биноси.

Агарда юқоридаги объектлар бўйича

ча 2003 йилнинг 25 декабрдаги танлов савдосига харидорлар томонидан аризалар тушмаган тақдирда, навбатдаги танлов савдоси 2004 йилнинг 6 январиде бўлиб ўтади.

Қуйидаги объект бўйича танлов савдоси 2004 йилнинг 6 январиде бўлиб ўтади:

«Узсугутўтмаҳсувсавтотранс» жамоа корхоналари автотранспорт концернининг Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Чоштепа кўчаси, 381-уй манзилида жойлашган «Тошкент 3-автокорхонаси».

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

Танловда иштирок этишни хоҳлаган барча талабгорлардан уч мустақил қисмга эга бўлган алоҳида-алоҳида конвертларда муҳрланган ҳужжатлар тўплами; б) техник ишлаб чиқариш таклифлари ҳужжатлари тўплами; в) молиявий таклифлар ҳужжатлари тўплами билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этилиши талаб этилади:

1. Талабгорнинг тўлов қобилиятига эғалигини тасдиқловчи банк маълумотномаси (ёки банкнинг қафолат хати).

2. Тақдим этилган молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик фирмасининг ҳулосаси.

3. Олинаётган сармоя мажбурияти ҳажми ва унинг киритилиши муддатлари.

4. Бизнес режа.

Савдода қатнашиш учун харидорлар уч мустақил қисмга бўлинган таклифларни, алоҳида-алоҳида конвертларга жойлаб, муҳрлаб (жисмоний шахслар имзолаб) белгиланган шаклдаги ариза билан Тошкент шаҳар ҳудудий танлов комиссиясига топширадилар.

Танлов савдоларида барча нодавлат ҳуқуқий ва жисмоний шахслар, маҳаллий ва хорижий ишбилармон ва тадбиркорлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари қатнашишлари мумкин. Харидорлардан аризалар қабул қилиш савдо кунидан уч кун аввал тўхтатилади.

Савдолар 2003 йил 25 декабрь ва 2004 йил 6 январь кунлари, соат 11.00 да Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биноси, яъни Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16А-уй манзилида бўлиб ўтади.

Танлов савдосида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари бўйича батафсил маълумот олиш юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16А-уй.
Телефонлар: 133-39-57, 133-22-98.

Орасталик сирлари

ҚЎЛИНГИЗ
МАЙИНМИ?

Қишда кўпчиликнинг қўли шамол ва совуқдан қуруқлаб кетади. Қўл териси ҳамма вақт парварош талаб қилишини унутмаслик керак. Агар тери қуруқлашиб, бунинг устига ёрилиб кетган бўлса, бунда ёғли малҳамларнинг фойдаси каттадир. Аввал қўлни совун билан ювиб ўсимлик мойи шимдирилган салфеткага ўралади. Бир-бир ярим соатдан кейин салфетта олиб ташланади, мой қолдиқлари терига яхшилаб суркалади. Шундан сўнг дарров қўлингизни ювиб ташлашга шойилманг.

Шунингдек, мойчечак ўсимлигидан тайёрланган қайнатма ҳам терини юмшатувчи воситадир. Ўртача катталикдаги идишга иссиқ қайнатмани қуйиб, унинг ичига 10-15 дақиқа солиб ўтirasиз. Муддат ўтгач қўлингизни қуруқ қилиб артиб, озиқлантирувчи крем суртасиз. Қўл териси иппакдек майин бўлиши учун уни боднинг бўлакчаси ёки картошка қайнатилган сувда қайилад.

Баъзан тери қуриб, қуруқлашиб қолади. У ҳолда нашатири спиртли ва глицерин қўшилган эритмага икки литр илқ сува бир ош қошиқ глицерин, бир чой қошиқ нашатири спирти аралаштирилади. Муолажадан сўнг, қўлни яхшилаб артиб, дармондорили крем суртилади.

ОДДИЙ ПАРДОЗ
УСУЛИ

Лабингизни парварош қилиш ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Улар жуда майин ва тез шикастланувчи бўлади. Шунинг учун ҳам қуйидагиларни ҳисобга олиб қўйсангиз аини мундао бўларди. Кечқурун лабингизни яхшилаб бўёқдан тозаланг. Бунда суюқ ёки ёғли крем шимдирилган пахтадан фойдаланганингиз маъқул.

Сариёғ қўшилган пишлоқ лабни силқилайди ва табиий кўринишини яхшилайд.

Рангпар лабни муздек сува ҳўлланган юмшоқ тиш чўткаси билан массаж қилинса, натижаси кутилганидан ҳам аъло бўлади.

МЕВАЛАРНИНГ
НАФИ

Ҳар қандай тери учун мевали медалар фойдали эканини биласизми? Бир ош қошиқ сариёғни бир чой қошиқ асал, олма, хурмо, беҳи мевалари бутқалари билан аралаштирилади. Тайёр крем совуткича сақланади. Юзидаги қапиляри томилари кенгайиб кетган кишилар асалдан фойдаланганликлари маъқул.

Ёғли тери учун эса тухумнинг оқини кўпиртириб, ун қўшилиди, яхшилаб аралаштирилади. Бунда кўзингиз тагига озиқлантирувчи крем суртилади. Ниқобнинг унуми эса юз ҳаракатсиз 20 минут қолганида сезилад.

Оила даврасида

ЎЗАРО ҲУРМАТ ВА МЕҲР
БЎЛСА КИФОЯ

Бордию, қимматбаҳо биллур идиш қўлингиздан тушиб синса, уни моҳир уста оз бўлса-да асл холига келтирмоғи мумкин. Лекин инсоннинг кўнгли дарз кетса-чи? Бундай жароҳат ўрнини тузатиш баъзан жуда оғир кечади...

Сухбатимиз — рашк ҳақида. Саволларимизга психология фанлари доктори, профессор Ғайрат Шоумаров жавоб беради.

— Ёш оилалар ўртасида негацир ажралишлар кўп. Бу нохуш ҳодиса аксарият ҳолларда келин ё кўвнинг кўнглига етказилаётган озорлар туйғули юз бермаётганимикин?

— Кўнгли қўлфини нима билан очиб мумкин? Ёқимли нигоҳ, меҳрли сўзлар, мактов ва эркалаш... Буларнинг бариси юксак даражадаги муомала маданиятининг белгиларидир. Кўпчилик ёшларимизда ана шундай муомала маданияти етишмайди, назаримда. Янги оиладаги дағал ва совуқ муносабатлар келин ё кўвнинг юрагига ханжардек ботиб туради. Шу баробарида хонадонда носоғлом муҳитни юзага келтиради. «Аёл киши қулоғи билан севади» деган гап ҳам бор. Оиладаги юмшоқ ва илқ муомала ҳар қандай нохуш ҳолатларнинг олдини олиши мумкинлигини аниққас йигитларимиз унутмасликлари керак. Тўғри, оилавий ажралишларнинг бошқа сабаблари ҳам бор. Уларнинг бири айрим ёшларнинг турмушга тайёр эмаслиги бўлса, яна бири ота-оналар ва яқин қариндошларнинг ёшлар тақдирига билиб-билмай аралашувидир. Қайнона билан келин ўртасидаги муносабатларнинг чигаллашиши эса энг кўп учрайдиган ҳодиса. Баъзи қайноналар ўғли олдида келинидан қусур ахтаради, айбини юзига солади. Шундай пайтда ўғил онасининг сўзларини эшитиб, аёлини қайта тарбияламоқчи бўлади. Аслида бу хато. Эркак ҳаммаша онаси ва хотини ўртасида холис туриб, вазиятни яхшиловчи дипломат вазифасини бажариши зарур. Бунга ҳам фақат яхши муомала йўли билан эришиш мумкин.

— Сизнингча, рашк ичкиқораликми

ё табиий қизғаниш туйғусими? Ёҳуд рашк яқин кишига ишончсизлик белгисимикин?

— Муҳаббат бор жойда рашк ҳам бўлади. У ичкиқоралик эмас, балки севишганлар ўртасидаги табиий бир туйғудир. Лекин, рашкда ҳам меҳр бўлмоғи керак. Ўта рашкчи шахснинг оилавий ҳаёти азоб-уқубатга айланади, баъзан турмуши ҳам бузилиб кетади. Айрим кишилар қўли рашк туйғули хатто жиноятга ҳам қўл урадилар. Қўчсизроқ, чекланган рашк туйғуси эса ўзини бошқалардан ожиз сезадиган, ўзгалардан шубҳаланадиган, журъатсиз кишиларда учрайди. Биз уни «заифлик туйғули келиб чиққан рашк» дейишимиз мумкин. Аслида рашк туйғули нотўғри ҳулосалар чиқаришга шайилмаслик лозим. Лекин, шу билан бирга ўзаро муҳаббатни қўчайтириш мақсадида гоҳида рашкдан фойдаланиб туриш ҳам мумкин...

— Кўёв қизикқон, келин эса босик феълли бўлса... Ёки аксинча. Бундай ёшлар бир-бирига руҳан мос келиши учун ўз феълу атвориға қарши боришлари керакми?

— Агар икки ёшнинг дунёқараши, идеаллари, ҳаётий қадриятларга муносабатлари ўзаро уйғун бўлса, уларнинг оиласи мустаҳкам, турмуши тинч-тотув кечади. Лекин ҳар қандай киши ҳаётда барча жихатдан ўзига мос келадиган жуфтни топиши қийин-да. Шунинг учун ҳам турли оилаларда тарбия топган икки ёш янги хонадонда бир-бирларини тушунишга, феъл жихатдан бир-бирларига мослашишга ҳаракат қилишлари керак. Тиббиёт тилида айтганда, холирик табиатга эга бўлган эркак ҳар ишга тез киришиб кетади, турли соҳаларда етакчилик қизикади. Меланхолик аёл эса ўта тортинчоқ бўлиб, нотаниш кишилар даврасида ўзини ноқулай сезади, одам-

ларга тез кириша олмайди. Демак, у холирик эркакка руҳий жихатдан буткул тескари бўлади. Бундай оилаларда тез-тез келишмовчиликлар юз беради. Бирок, бундай мижозли келин-куёвлар кучли муҳаббат туйғули жуда бахтли бўлиб кетишлари ҳам мумкин. Умуман, эр ҳам, аёл ҳам оила манфаатларини қўзлаганлари ҳолда, ўз феълларидаги бир-бирига мос келмайдиган қусурлардан воз кечишса ёмон бўлмайди. Биз руҳшўнослар таъбири билан айтганда, «Энг яхши ҳимоя — ҳужум!» ибораси фақат футболга тегишли, оилада эса бунинг акси қўлланилади. Бир-бирини асраб-авайлаган, бир-бирининг кўнглини иситиб яшайдиган ёшлар оила бахтини бир умрга сақлаб қоладилар.

— Турмушда оғир аҳволга тушиб қолиб, сўнг сиздан маслаҳат сўраб келадиган ёшлар ичиде келинчақлар кўпми ё куёвлар?

— Албатта келинчақлар анчагина. Чунки, оила тақдирини деб жон-жаҳди билан курашадиган, фарзандларини отасиз қолдирмаслик учун сабр-тоқат билан иш қўради-ганларнинг аксарияти аёллардир. Турмушнинг дастлабки йилларида қийин аҳволга тушиб қолишнинг сабаблари турлича. Баъзи бир ёшлар ўз шахсини қониктирувчи маълум эҳтиёжлар (яъни, мириқиб дам олиш, сўнгги урфда кийиниш, оилада эркин бўлиш) билан яшашиди. Бирок, янги оилада унинг эҳтиёжларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар чекланган бўлса... Бу хил қарама-қаршилик келинчақни асан-киратади, баъзан ўзга йўллари танлашга мажбур қилади. Шунингдек, айрим ёш аёллар янги оилага мослашиш, эрининг қариндошларига хизмат қилиш, рўзгор юмушлари, бола тарбияси сингари бир неча мажбуриятларни бажариш машаққатларига дош беролмайдилар. Шунда аёلнинг руҳиятига зарба етади, кимдандир маслаҳат ва мадад олишни истайди. Бундай вазиятда эр киши фаол бўлиши, босиқлик ва ҳушмуомалалик билан хотинининг кўнглини олишга ҳаракат қилмоғи лозим. Эркак ва аёл оилада ўзлари учун шундай муҳит яратишлари керакки, токи бошқа бирор жойда ўз уйларидагидек бахт ва қувонч тополмасинлар. Бунга эришишнинг йўли унчалик қийин эмас. Яхши сўз, иссиқ меҳр, ўзаро ҳурмат ва ишонч бўлса кифоя.

Гулчехра ЖАМИЛОВА
суҳбатлашди.



Қиш манзараси

ҚИСМАТИМ СЕН БИЛАН

Тугида ой, кўкда юлдузи бордир,
Туни тугаб ёркин кундузи бордир.
Дўстларга саломи, дил сўзи бордир,
Шу Ватан меники — қисматим битта.

Жаҳон ичра ҳўп ҳам таърифнинг бордир,
Минг йиллардан зиёд тарихинг бордир.
Неча даҳо аро тортигинг бордир.
Шундай юрт меники — қисматим битта.

Тупрогингда абад бог-роғлар унсин,
Йўлларинг тўлсини чўлларинг қулсин.
Истиқлолинг боши тош каби бўлсин,
Шу ўлка меники — қисматим битта.

Сенга бўлсин доим бегубор осмон,
Шу боис давлатим шундай фаровон.
Яшнайвер, гуллайвер жон — Ўзбекистон!
Сен билан бир умр — қисматим битта.

Рустам ХҲҲАЕВ

Тадбирлар

СОҒЛОМ АВЛОД — БАРКАМОЛ КЕЛАЖАК

Яқинда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман бўлими Кенгаши қошидаги «Маҳалла ёшлари тарбиячиси» маркази «Соғлом авлод учун» жамғармасининг туман бўлими билан ҳамкорликда «Соғлом авлод — келажак пойдевори» мавзусида давра суҳбати уюштирди.

Тадбир «Собиробод» маҳалласида жойлашган 259-мактабда бўлиб ўтди. Унда туман ҳудудий тиббиёт бирлашмасига қарашли шифохоналарнинг тиббий ходимлари ва Тошкент шаҳар Наркология

диспансери шифокорлари, ўсмир ёшлар мактаб ўқитувчилари ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этдилар.

— Давра суҳбатини ўтказишдан мақсад ёшларга гиёванд моддаларнинг зарари

рарли иллатлари, СПИДнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари тўғрисида етарли маълумотлар бериб буюхавнинг олдини олишга қарайтириш, — дейди «Маҳалла ёшлари тарбиячиси» маркази раиси Гульмира Шорустамова. Суҳбат давомида ёшлар ўзларини қизиктирган саволлари билан шифокорларга мурожаат қилдилар. Тадбир сўнггида ёшлар билан савол-жавоб виторинаси ўтказилди. Энг тўғри жавоб эгалари мутасаддилар томонидан эсдалик совгалари билан тақдирландилар.

Гульнигор САТТОРОВА

ЖИСМОНИЙ
КАМОЛОТ ЙЎЛИДА

«Камолот» ЁИХининг Мирзо Улуғбек туман бўлими кенгаши томонидан болалар спортини ривожлантириш мақсадида тумандаги 105-маҳсус мактаб-интернатга спорт анжомлари топширилди.

Тадким этилган футбол тўпи, теннис ракеткалари ҳамда шахмат-шашка тахтачаларидан иборат бир неча турдаги спорт анжомлари интернет тарбияланувчилари кўнглиларини ҳушнуд этди ва шу кўннинг ўзиде улар ўртасида шахмат-шашка мусобақалари ўтказилди.

—Бундай спорт мусобақалари ҳозирда туманимизнинг бир қанча мактабларида, ўрта махсус ўқув юртларида ҳам ўтказиб келинмоқда, — дейди «Камолот» ЁИХ туман бўлими кенгаши раиси Шўҳрат Қўчқоров. —Яқинда тумандаги ТИП-2 ёпиқ спорт комплексида маҳалла болалари ўртасида бўлиб ўтган футбол ва баскетбол бўйича мусобақалар фикримизга мисол бўлади. Ушбу мусобақада 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўсмирлар қатнашиб ўз маҳоратларини намойиш этишди. Ўйлаيمانки, бундай тадбирлар, спорт мусобақалари келажак ёшларимизнинг соғлом, жисмонан баркамол бўлиб вояга етишларида катта аҳамиятга эга.

Оразгул РУСТАМОВА

Спорт

АНЪАНА ДАВОМ
ЭТАДИ

Республика «Талаба» уюшмаси ташаббуси билан ўтган йили хайрли тадбир уюштирилган. Яъни олий ўқув юрларида тахсил олаётган талабалар жамоалари ўртасида мини-футбол бўйича мамлакат биринчилиги бахслари ўтказилган.

Жорий 2003-2004 ўқув йилида ҳам ушбу чемпионат ташкиллаштирилган бўлди. Қуни кеча ушбу мусобақаларнинг Низоми тасдиқланди. Талабалар ўртасида мини-футболни ривожлантириш, оммалаштириш, Ўзбекистон талабалар терма жамоасини шакллантириш ва уларнинг ҳалқро мусобақалардаги иштирокини таъминлаш, келгуси йили Испанияда талабалар ўртасида ўтадиган жаҳон чемпионатида мамлакатимиз терма жамоаси қатнашишига эришиш мақсадида ўтказилиши мўлжалланган ушбу биринчилик бахсларида қундузги бўлимда тахсил олаётган 28 ёшгача бўлган талабалар майдонга тушишди. Ва икки босқичда мусобақаларни давом эттиришди.

МУСОБАҚА
КИЗГИН ПАЛЛАДА

Тошкент шаҳар футбол федерацияси кубоги учун Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуасида мини-футбол мусобақалари корхоналар, таъхилотлар, маҳаллалар жамоалари ўртасида кизгин давом этмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, голиб жамоа номи 20 декабрь куни маълум бўлади. Шу кунгача ўтказилган учрашувларда эса қуйидаги натижалар қайд этилди. «ЎЗБАТ» — «Қалқон» (Тошкент шаҳар солиқ департаменти) 6:1, «Забар» (Эски шаҳар маҳалласи) — «Ипакчи» (Ипакчи маҳалласи) 6:1, «Тинчлик» (Тинчлик маҳалласи) — «Ардуз» 1:6, «Сладкий мир» — «Тош телеком» (Тошкент алоқа касба уюшмаси тармоғи) 9:5, «Мелико» («Оқ уй» маҳалласи) — ДНЛ (жаҳон бўйлаб хат, корреспондентлар тарқатурилари) 4:1. Турнирда ҳозирча «Сладкий мир» жамоаси бошқалардан кўп очко жамгарган ва голибликка даъвогар бўлиб турибди.

ГОЛИБЛАРГА —
ЭСДАЛИК
СОВГАЛАРИ

Истиклол шарофати туфайли мамлакатимизда спортнинг бошқа турлари қатори автомобиль пойгаси ҳам жадал суръатда ривожланиб бормоқда. Бунинг иккитдорли ёшлар ўртасида тез-тез уюштирилаётган мусобақалар ҳам яққол исботлаб турибди.

Мудрофага қўмақлашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ташаббуси билан яқинда пойтахт шаҳри ва вилояти йўллари бўйлаб автомобиль пойгаси мусобақалари уюштирилди. Унда иштирок этган ёшлар автомобилли бошқаришдаги салоҳиятлари, ағилу чақонликларини ҳакамлар ҳайъати олдида намойиш этишди. Кескин ва муросасиз курашларга бой кечган бахслар яқинда Ҳамдам Ризаев, Ўткир Хошимов ва Рустам Саидовлар бошқалардан кўра ағил ва чақон эканликларини исботлашди. Ҳакамлар ҳайъати томонидан голиб деб топилган бу спортчиларга мутасаддилар томонидан таъсис этилган совринлар, эсдалик совгалари топширилди.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

Газетанинг навбатдаги сони 17 декабрда чиқади.



Муассаси:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Буюртма Г-107.

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ

Манзиллими: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНАЛ:

ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳақини — 2 босма табоқ, офсет
усулда босилди.
3557 нусхада босилди. Қўғоқ бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума
кунлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат
матбуот қўмитасида
10-рақам билан рўйхатга олинган

Наширни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта
буғимларига ёки «Тошкент почтати»га — 133-74-05 телефонига
мувожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-й.

Афсуски, айрим фуқароларимиз бундай маҳолларни эсдан чиқарадилар, устига-устак ёнғин хавфсизлиги хизмати

нишонлаш насиб қилмади, чунки у ёнғин оқибатида ҳалок бўлди.

Шунингдек, «Айсел» фирмаси ишчи-

руж қилган ҳамда фуқароларга 1360000 сўм миқдорда моддий зарар етган. «Рақам — одил ва ҳолис ҳақам» деган ҳик-

мат кўрсатилган фалокатларнинг муайян маънода факат сиртки томонини эмас, замирини, рақам ортида мужассам хусусиятларини ҳам ҳисобга олишни тақозо этадики, ушбу сонлар ортида инсон фарзандларининг қулга айланган ҳаёти, саломатлиги, мол-мулки борлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ёнғин хавфсиз-

лигини таъминлаш ҳамisha умумдавлат ва умумхалқ миқёсдаги долзарб ҳамда муҳим масалалар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги фармойиши ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қарори бўйича пойтахтимизда ҳозирда ёнғин хавфсизлиги оёлиги ўтказилмоқда. Бинобарин, азалии ва абадий ҳикматлардан ҳамда бўлиб ўтган ёнғин ҳодисаларидан тегишли ҳулоса чиқариб, ўт чиқишининг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, оловдан фойдаланиш тармоқларини, иситиш асбоб-ускуналарини синчков текширувдан ўтказиш ҳар бир фуқаронинг асосий диққат марказида турмоғи лозим.

Т.МИРЗОЕВ,

Собир Раҳимов туман

Ички ишлар бошқармаси ЁХБ
катта инспектори, ички хизмат
катта лейтенанти

Ёнғин хавфсизлиги оёлиги

ЎТ БАЛОСИДАН АСРАСИН

Кўпни кўрган нуроний отахонларимиз, мунис онахонларимиз қафларини дуо учун очишар экан, айтилувчи тилақлар қаторига «ўт балосидан, сув балосидан, қуруқ туҳматдан асрасин» деган ниятни ҳам қўшиб қўйишди. Саналган уч боло орасидан ўт-олов балосининг, яъни ёнғиннинг нақадар таҳдидли, хатари эканлиги халқимиз нақлларида ҳам алоҳида таъкидланади. «Тўқайга ўт кетса, ҳўл-қуруқ баравар ёнар», «Оловга ҳазил қилсанг, ўзинг қалов бўласан», «Ўт билан ўйнашган ёнар» каби ҳикматларда ёнғин чиқишининг олдини олишга нисбатан даъват, олов билан эҳтиёткорона муносабатда бўлишга чақирик му-жассам, албатта.

Айтишлари-ча, бир киши доимо гугуртнинг қутисини ҳам, донасини ҳам қоятда ҳушёрлик билан асраб-авайлар экан. Дўстларининг «арзиманган гугурт чўпини намунча эҳтиётламанг?» дея берган дашномларига жавобан у шундай деган экан: «Битта гугурт чўпи билан бутун дунёни ёндириш ҳам мумкин, бутун дунёга ҳарорат баҳш этиш ҳам мумкин. Зеро, ҳар бир заррани, кичик нарсани авайлаш бутунлиқни, яхлитлиқни ҳам асраш демакдир». Дарҳақиқат, ёнғин чиқишига сабаб бўлган омилларни аниқлаш давомида аксарият ҳолларда лозим даражада масъулият, эҳтиёткорлик мавжуд эмаслиги боис фалокатлар юз берганлиги ойдинлашади.

Жорий йилнинг қиш кунларидан бирида Мевазор кўчаси, 17-уйда ёнғин содир бўлди. Маст ҳолатда сигарет чекканча ухлаб қолган, 1949 йилда туғилган фуқаро А.Мажидовга ўзининг 55 ёшини

си Р.Диняев «Саломатлик» санаторий-сихатгоҳида қаттиқ мастлиги туфайли ёққан сигаретини охиригача чекишга улгурмай пинакка кетди. Натижада пушаймон ўтида қаттиқ ўртанди, зеро ёнғин туфайли ҳар икки юзининг 25 фоиз қисми 1-2-3 даражада қуйишдан жароҳатланди. Чимбой кўчаси, 62-хонадонда яшовчи фуқаро Ф.Абдурахмонов бутун танасининг 15 фоизи 1-2-3 АБ даражада кўйди. Сабаби ҳудди қоридидаги ҳоллар билан айнан бир хил — ўта даражада мастлик, ёқилган сигарета билан ухлаб қолиш. Шундай ҳолатдаги ёнғин чиқиши ҳодисалари кейинги пайтларда тез-тез юз бермоқда.

Умуман олиб қараганда, 2003 йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида Собир Раҳимов тумани бўйича 133 марта ёнғин содир бўлиб, улардан 38 та ҳолда ўчирилмаган тамаки қолдиги сабабли ўт балоси ху-

Шахмат оламида

СИЗ ҚАНДАЙ ЎЙНАРДИНГИЗ?



Бугун «Оқшом» газетаси шахмат мухлис-ларига дунёга донғи кетган машҳур этюд-ни эслатиб ўтмоқчимиз.

«Ёнар орол»га ўхшаш ўнлаб ажойиб фантастик романлар яратган А.Казанцев томонидан тузилган бу машҳур этюд бутун жаҳон шахмат федерациясининг шахмат олимпиадасида олтин медаль билан тақдирланган. Этюднинг ҳақиқатдан ҳам ана шундай юксак муқофотга муносиб эканлиги унинг ечимини қўриб ўзингиз тан берасиз. Ҳар ҳолда бу этюд биз билган шахматчилар этюдлари орасида энг ажойибларидан. Зеро шахматнинг бутун жозибасини ўзида яққол намоён эта олган нодир намуналардан биридир. Этюд ўн юришда ҳал бўлади. Шу ўн юриш давомида шиддатли «жанг» олиб борилади. Азиз шахмат мухлислари 1 ва 2-диаграммаларга эътибор бериб ўн юришда қоралар шоҳи мот бўлаётганига ғувоҳ бўласиз.

Маҳоратингизни ишга солинг.

Оқлар бошлаб ўнчинчи юришда оқлар пиёда-си шоҳ ва мот деб, қора шоҳни таслим бўлиш-га мажбур этди.

Анвар ИНОКОВ,
шахмат шарҳловчиси.



Қафралар

ЯХШИНИНГ ШАРОФАТИ

Ариқчалдан шаддираб келаётган сув ҳовузчада ивирсиб қолган сув-га қўйилди. «Мен билан ҳамроҳ бўл, бекор ётма», дея уни далага ундади.

— Сенга нима, мени ўз ҳолимга қўй. . . — аввалгига ижирғанди ифлос сув.

— Ҳунук бўлиб ётишинг кўрганларнинг кайфиятини бузди. Ахир сен менинг жондошим, қондошимсан — оқар сувнинг чиндан қайғуриши ифлос сувдаги лоқайдликни чекинтирди. У оқар сувга энди чин ҳамроҳ; ниҳоллар гуркираб жўшди. Номин яхшиликка йўйилгач, ҳамроҳидан бир умр миннатдор: — Мени фойдали меҳнатпа ундаганинг яхши бўли. Менинг ҳам юзим сеникидай ёрут.

Яхшининг шарофати улғу, деб шуни айтади-ла!

СЕН БИЛАН ДУСТЛАШМОҚЧИ ЭДИМ

Мен сен билан дўстлашмоқчи эдим. Юввошнинг, ипакдек майин сўзларинг менга ёқарди. Ўша кунин олим ўзи қашф қилган олмасини «мақтаганда» икки-уч одамга қўйилиб, унга ён босдинг. Сўнг сендан ихлосим қайтди. Янги топан олмаси ўзимизнинг қадимги оқ, жоқи, қизил олмаларимиздан ҳосилда ҳам, мазада ҳам наслигини тунов кунин менга рўй-рост маъқуллаганинг ёдингга тушди шеккили. Менга кўзинг тушгач рангинг оқариб кетди. Олимнинг «катта оғиз»-лигини ҳам, «ихтиро»сини ҳам ёқтирмас эдинг-ку. Таваб, унинг талабига қараб ўз қалбингдан кечиб, яхши, деб турсанг. . .

Мен сендан чўчийман. Эртлага унинг хоҳишига қараб яна бир фойдасиз даъватига мойил бўлурсан. Мен-чи, мисол учун у бошим узра қиличини яланғочлаб, менга ён босасанми ёки йўқ, деб турса аввало қалбим оҳига қулоқ соламан.

Бировнинг йўриғи билан иш юритувчи одам ўз ихтиёри билан иш юритувчи одамга чиндан дўст бўлармикан?! Шунисидан чўчийман.

Мен сен билан дўстлашмоқчи эдим. . .



Сўзсиз сурат.

Абдурашул Ҳақимов чизган расм